

Х У К М ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН

2022 йил сентябрь ойининг 14 куни, жиноят ишлари бўйича Қибрай туман суди, ўз биносида, очик суд мажлисида,
судья С.Дусмановнинг раислигида,

судья ёрдамчиси Д.Халдаровнинг котиблигида,
тарафлардан Қибрай туман прокурори катта ёрдамчиси Х.Матчонов, судланувчи Т.Зоитов ва унинг ҳимоячиси – адвокат Қ.Хаитметовнинг иштирокида, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми “а” банди билан айбланаётган:

Зоитов Тимур Турабекович, 2000 йил 6 октябрда Тошкент шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, бўйдоқ, ишсиз, муқаддам судланган, жиноят ишлари бўйича М.Улуғбек туман судининг 2022 йил 19 январдаги ҳукмига кўра, ЖКнинг 169-моддаси 1-қисми билан иш ҳақининг 10 фоизи миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланиб, жазони ўтамаган, Тошкент шаҳар, М.Улуғбек тумани, Қорасу-6 даҳаси, Гёте кўчаси, 54уй, 95-хонадонда яшовчи, иш бўйича 2022 йил 22 июль куни ЖПКнинг 227-моддаси тартибида ушланиб, 2022 йил 23 июль куни “қамоққа олиш” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини ўз вақтида олганга нисбатан бўлган 1-1107-2201/ 322-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Суд, судланувчининг кўрсатувларини эшитиб, иш материалларини таҳлил қилиб, тарафлар музокараси ва судланувчининг охириги сўзини тинглаб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Т.Зоитов, 2022 йил 22 июль куни, соат тахминан 03⁰⁰ларда, маст ҳолатда бўла туриб, хавфли рецидивист бўлгани ҳолда, ўзганинг мол-мулкани яширин равишда талон-торож қилиш мақсадида, амакаси Зоитов Авазбек Анваровичнинг Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Ифтихор м.ф.й., Ўзгариш кўчаси, 72-уйга кириш ҳуқуқи йўқлигини билгани ҳолда, уйнинг ётоқхонасидаги дераза орқали ғайриқонуний равишда кириб, ушбу хонада диван устида турган баҳоси 50.000 сўмлик «Samsung Galaxy Grand-2» русумли телефон аппаратини, баҳоси 250.000 сўмлик «KGTEL» русумли телефон аппаратини ва аппаратда ўрнатилган баҳоси 10.000 сўмлик «Ucell» уяли алоқа компаниясига тегишли сим картасини ҳамда ётоқхонанинг бурчак қисмида телевизор учун мўлжалланган жавон устидан баҳоси 1.500.000 сўмлик 32 диагоналли «Samsung» русумли телевизорини ўғрилаб олиб, натижада



А.Зоитовга 1.810.000 сўм миқдорида моддий зарар етказиб, ҳодиса содир этилган жойдан яширинган.

Кўрилган чора-тадбирлар натижасида, туман ИИБ ЖКБ ходимлари томонидан Т.Зоитовдан «Samsung Galaxy Grand-2» русумли телефон аппарати ва 32 диагоналли «Samsung» русумли телевизорлари тегишли тартибда ҳужжатлаштириб олинган.

Судда судланувчи **Т.Зоитов**, ўзига эълон қилинган айбловга тўлиқ иқрорлигини билдириб, жорий йилнинг 21 июль куни, соат тахминан 23:00да танишлари Санжар ва 4 нафар унга нотаниш бўлган йигитлар билан бирга Қибрай тумани марказида жойлашган «Маюс она» деб номланган хайкали олдида пиво спиртлик ичимлик маҳсулотини истеъмол қилиб тунги соат тахминан 02:00га қадар гаплашиб ўтирганлигини, сўнгра танишлари Даврон ва Чарослар билан кўришиб қолиб, улар билан йўл-йўлакай Дўрмон томон пиёда юра бошлаганлигини, шу ердаги ФВБнинг маъмурий биноси олдида яқинлашган вақтда, у маҳалла яъни бувисининг уйи томон кетишлигини уларга айтиб, улар эса ўз уйларига кетишни давом эттиришганлигини, шунда у маҳалла бўйлаб дала томон кетаётган вақтда бувисининг уйига яқинлашган вақтда уй томон назар боққанлигини, шунда бувисининг уйи томон борганида, бувиси дам оладиган ётоқхонаси деразаси очиқлигини, кейин қўлини узатиш йўли билан куч ишлатган ҳолда деразадан ётоқхонанинг ичкарасига қараганида, шунда ётоқхонада Анвар бувиси бир ўзи ухлаб ётганлигини, кейин эса ушбу дераза орқали ётоқхонага кирганида Анвар бувиси уйғонмаганлиги, кейин Анвар бувиси ётган диван ёнида яна бир кишилик диван борлигини, аммо у ерда ҳеч ким йўқлигини, шунда қорни оч бўлганлиги сабабли шу ердаги бўш диван устидаги ёстиқнинг остини кўтариб кўздан кечирганида у ерда бир дона оқ рангли «Samsung Galaxy Grand-2» русумли телефон аппарати борлигини кўргач, ушбу аппаратни чўнтагига солганлигини, сўнгра ушбу ётоқхонанинг бурчак қисмида телевизор учун мўлжалланган жавон устида турган 32 диагоналли «Samsung» русумли телевизорини ва телевизор ортида ўрнатилган «Uzdigital»нинг картаси ўрнатилган телевизорни кабелларидан узиб, телевизорни дераза олдида қўйиб, ўзи деразадан пастга тушиб олиб, сўнгра телевизор ва бир дона оқ рангли «Samsung Galaxy Grand-2» русумли телефон аппаратини яширин равишда эгаллаб олиб, темир йўл томондаги очиқ дала томон бориб, шу ердаги дарахт остига беркитиб қўйиб шу ернинг ўзида тунаб қолганлигини, 22.07.2022 йил куни соат тахминан 08:30ларда уйғониб,



маҳаллаларни айланиб, соат тахминан 12:30да Қибрай тумани ҳудудида жойлашган ФВБ биносининг рўпарасидаги бинода «кийим-кечакларни» ижарага берувчи дўконда ишловчи таниши Жаҳонгирнинг олдига бориб, унга юқорида ўғирлик оқибатида қўлга киритилган ўзига тегишли деб айтиб 32 диоганалли «Samsung» русумли телевизорни сотмоқчи эканлигини айтганлигини, шунда Жаҳонгир «Жума» намозидан қайтиб келиб баҳосини кейин келишиб олишларини айтиб, телевизорни унинг дўконига вақтинчалик сақлаш учун ташлаб кетганлигини, Қибрай туманида жойлашган «МАКРО» деб номланган супермаркетнинг ер тўласидаги компьютер йўинларига ихтисослашган ўйин мажмуасига борганида, у ердаги ишчи йигитлар унга уни ИИБ ходимлари излаб юришганлигини айтишганлигини, шунда у қўрқиб кетганидан, чўнтагида турган оқ рангли «Samsung Galaxy Grand-2» русумли телефон апаратини шу ердаги диваннинг остига беркитиб қўйганлигини, кейин компьютер хонасидаги ишчилар унга шу ерда кутиб туришлигини ва бу ерга ИИБ ходимлари келишаётганини айтишганлиги, кейин бир оздан кейин шу ерга ИИБ ходимлари келишиб, ундан ҳолатни сўрашганида, у бўлиб ўтган ҳолатни батафсил тарзда маълум қилиб, юқоридаги жиноий йўл билан қўлга киритилган бир дона телевизор ва бир дона телефон апарати қаерда эканлигини маълум қилганидан сўнг ИИБ ходимлари ундан ушбу техникаларни холислар иштирокида тегишли тартибда расмийлаштириб олишганлигини, унинг бобосини уйига кириш учун ҳуқуқий бўлмаганлигини, сабаби улар билан алоқани узганлигига анча бўлганлигини, суд ҳукми билан тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўтамаганлигини билдириб, суддан жазо тайинлашда енгиллик беришларини сўради.

Гарчанд, судланувчи Т.Зоитов айбига тўлиқ иқроп бўлса-да, унинг мазкур жиноятни содир этганликдаги айби суд томонидан текширилган ва мақбул деб эътироф этилган яна қуйидаги далиллар билан, хусусан:

- жабрланувчи А.Зоитовнинг хизматда бўлганлиги сабабли ҳам суд мажлисида қатнаша олмаслиги ҳамда судланувчига нисбатан ҳеч қандай моддий ва маънавий даъвоси йўқлиги ҳақидаги аризаси, жабрланувчи ва гувоҳ Ж.Илхомовнинг суд мажлисида ўқиб эшиттирилган дастлабки терговдаги кўрсатувлари, жабрланувчининг аризаси, ходиса содир бўлган жойни кўздан кечириш баённомаси, фотожадвали, ашёвий далилни олиб қўйиш ва кўздан кечириш баённомаси ҳамда ишдаги бошқа далиллар билан тўлиқ ўз исботини топган.



Тергов органи томонидан судланувчи Т.Зоитовнинг ҳаракатлари “ўзрилиқ, яъни ўзганинг мулкини яширин равишда, уй-жойга гайриқонуний равишда кириб, хавфли рецидивист томонидан талон-тороғ қилиш”даги белгиларига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми “а” банди билан тўғри квалификация қилинган.

Суд, судланувчи Т.Зоитовга жазо тайинлашда, унинг шахсини, айбига иқрор ва қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, жиноятининг хусусияти ва ижтимоий хавфлилиқ даражасини, оилавий шароити ва моддий ахволини, жабрланувчига етказилган моддий зарар тўлиқ қопланганлигини ва жабрланувчининг даъвоси йўқлигини, шунингдек муқаддам шу каби ҳаракатлари учун судланганлигини ва жазони ўташ вақтида қайта жиноят содир қилганлигини, содир этган жинояти оғир жиноятлар туркумига киришлигини инobatга олиб, уни жамиятдан ажратмаган ҳолда ахлоқан тарбиялаш мумкин эмас деб ҳисоблаб, унга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашни тайинлашни, сўнгра ЖКнинг 60,61-моддаларига асосан мазкур ҳукми билан тайинланадиган жазога жиноят ишлари бўйича Мирзо Улуғбек туман судининг 2022 йил 19 январдаги ҳукми билан тайинланган ва амалда ўталмаган ахлоқ тузатиш ишлари жазосини қисман кўшиш йўли билан узил-кесил жазо тайинлашни лозим деб топади.

Суд, жиноят ишида ашёвий далил деб эътироф этилган «Samsung Galaxy Grand-2» русумли телефон аппарати ва 32 диагоналли «Samsung» русумли телевизор дастлабки тергов даврида жабрланувчи А.Зоитовга тилхат асосида қайтариб берилганлигини инobatга олишни лозим топди.

Суд, жабрланувчи А.Зоитовнинг судланувчи Т.Зоитовга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини ва унга етказилган моддий ва маънавий зарар тўлиқ қопланганлигини инobatга олишни лозим топди.

Юқоридагиларга асосан, ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 463, 465-468, 471-473-моддаларини раҳбарликка олиб, суд

Х У К М Қ И Л Д И :

Зоитов Тимур Турабекович Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 169-моддаси 3-қисми “а” бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин ва унга 5 (беш) йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.



Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 60,61-моддаларига асосан мазкур ҳукм билан тайинланган жазо муддатига жиноят ишлари бўйича Мирзо Улуғбек туман судининг 2022 йил 19 январдаги ҳукми билан тайинланган ва ўталмаган 2 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазосини қисман қўшиш йўли билан Зоитов Тимур Турабековичга узил-кесил 5 (беш) йил 1 (бир) ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Жазо умумий тартибли колонияларда ўтатирилсин.

Жазо муддати 2022 йил 22 июль кунидан бошлаб ҳисоблансин.

Т.Зоитовга нисбатан қўлланилган “қамокқа олиш” тарзидаги эҳтиёт чораси аслича қолдирилсин.

Ашёвий далил деб эътироф этилган «Samsung Galaxy Grand-2» русумли телефон аппарати ва 32 диагоналли «Samsung» русумли телевизор дастлабки тергов даврида жабрланувчи А.Зоитовга тилхат асосида қайтариб берилганлиги инобатга олинсин.

Жабрланувчи А.Зоитовнинг судланган Т.Зоитовга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлиги ва унга етказилган моддий ва маънавий зарар тўлиқ қопланганлиги инобатга олинсин.

Ҳукм устидан ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан йигирма сутка ичида, судланувчи (маҳкум), жабрланувчи томонидан эса унга ҳукм нусхаси топширилган кундан эътиборан шу муддат ичида Тошкент вилоят судига апелляция шикоятни ёки протест берилиши мумкин.

Раислик қилувчи:
С.Дусманов

(имзо)

Нусхаси аслига тўғри:

Маъсул судья: Дусманов Санжар Абдужалолович

